

35 Ягона Ватан,
ягона халқ, бўлиб,
янги ҳаёт ва
келажак яратамиз!

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

ADOLAT

IJTIMOIIY-SIYOSIY GAZETA № 25 (1593)

2026-YIL 26-IYUN, JUMA

adolat24.uz/
t.me/Gazeta_Adolat



Эзгулик карвонлари

... давлат раҳбари журналист аҳлининг машаққатли меҳнاتини муқаддас сарҳадларимизда сергак турган Ватан посбонларининг жасоратига қиёслайди. Бу ҳақиқатни англамаган мухбир, журналист катта хато қилаётганини англаб етиши ва Президентимиз алоҳида таъкидлаганидек, “ОАВда ҳолислик ва қонун устуворлигини таъминлаш, профессионал

билим ва маҳоратини ошириб бориш, ахборот тарқатишнинг замонавий усуллари ўзлаштириш, аҳоли ўртасида ахборот, баҳс ва мулоқот маданиятини шакллантириш, жамиятимиздаги турли иллатлар, коррупция балосига қарши курашиш каби долзарб вазифалар бўйича ҳали кўп ишлар қилишимиз зарур”.

ҚУЁШ, НУРИНГ СОЧАВЕР МЎЛ-МЎЛ...



КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАРНИ
Қўллаб-қувватлашда
қуёш панеллари дастурининг
аҳамияти

ҚАЕРГА КЕТАЯПОЎН.



ОҚИБАТ?!

ТАРИХНИ ҒОЛИБЛАР ЭМАС, БОЛАЛАР ЁЗАДИ!





Ёшлар — ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ РИВОЖИНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси ҳамда Демократик институтлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш масалалари қўмитаси ҳамкорлигида "30 июнь – Ёшлар кунин" муносабати билан "Фуқаролик жамияти институтлари ва ёшлар ҳамкорлиги: бугунги амалиёт ва келгусидаги режалар" мавзусида конференция ўтказилди.

Унда депутатлар, Қонунчилик палатаси ҳузуридаги "Ёшлар комиссияси" ва Ёшлар парламенти аъзолари, Ёшлар ишлари агентлиги масъуллари, Ўзбекистон Волонтерлар ассоциацияси, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий ассоциацияси ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда Президентимиз раҳбарлигида ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, уларни касб-хунарга ўқитиш, ишга жойлаштириш ва бандлиги учун шарт-шароитлар яратиш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 20 апрелдаги тегишли фармони билан тасдиқланган "Янги Ўзбекистон ёшлари – 2030" стратегияси ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш ва мамлакат тараққиётида фаол иштирокини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Ушбу йўналишда қабул қилинган 100 дан ортиқ қонун ҳужжатлари асосида ёшлар билан ишлаш бўйича мутлақо янги тизим яратилди. Айниқса, "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонун ёшларни ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Қонунчилик палатаси ҳузу-

рида ташкил этилган Ёшлар парламенти ёшларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни қонунчилик жараёнига жалб қилишда муҳим платформа вазифасини ўтамоқда. Ушбу институт ёшлар ва давлат органлари ўртасида самарали кўприк вазифасини бажариб, ёш авлоднинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги иштирокини янада фаоллаштиришга хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, бугунги кунда Қонунчилик палатасида ёшлар масалаларига масъул қўмита, шунингдек, Ёшлар парламенти ва Ёшлар масалалари бўйича комиссия самарали фаолият юритмоқда. Бу тузилмалар ёшларга оид давлат сиёсатининг парламент даражасида самарали амалга оширилиши, қонун ижодкорлиги жараёнида ёшлар манфаатларининг кенг ифода этилишига имкон бермоқда.

Конференция давомида фуқаролик жамияти институтлари ва ёшлар ўртасидаги ҳамкорликнинг амалдаги ҳолатига баҳо берилди. Шунингдек, ёшларни ижтимоий фаолликка кенг жалб этиш бўйича устувор йўналишларни белгилаш ҳамда соҳадаги келгуси муҳим ва-

зифалар атрофлича муҳокама қилинди.

Ёшлар сиёсати оид ислохотлар фақат назарий жиҳатдан эмас, балки амалий натижалар нуқтаи назаридан ҳам таҳлил қилиниб, йиғит-қизларнинг тақлифларини эшитиш, уларни қонун ижодкорлиги фаолиятига кенг жалб қилиш ва тақлифларини қонунларда акс эттириш борасидаги ишларга алоҳида эътибор қаратилди.

– Мазкур тадбир келажак лидерлари, сиёсий жараёнларга бефарқ бўлмаган фаол ёшлар ҳамда фуқаролик жамияти етакчилари учун янги имкониятлар сари кенг йўл очадиган муҳим ҳамкорлик майдони бўлди, – дейди фракция аъзоси Бехзод Тўхтамуродов. – Конференция, айниқса, Президентимиз раҳбарлигида амалга оширилаётган тарихий ислохотлар жараёнида ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш, уларнинг фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ишонч ва амалий ҳамкорликка асосланган алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Зотан, ушбу конференция ёшларнинг янги лойиҳаларини рўёбга чиқариш, уларни қонун ижодкорлиги фаолиятига кенг жалб қилиш ва ҳуқуқий онгини юксалтиришда муҳим платформа бўлди, десак янглишмаймиз.

Конференция доирасида ташкил этилган музокараларда фан, таълим, маданият ва спорт соҳаларида юқори натижаларга эришган бир қатор иқтисодий ёшлар ўз фикр-мулоҳазалари, тақлиф ва ташаббуслари билан фаол иштирок этди.

Сўзга чиққанлар мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида ёшларнинг иштирокини янада кенгайтириш, уларнинг фуқаролик жамияти институтлари билан мустаҳкам ва самарали ҳамкорлигини таъминлашга қаратилган қатор тақлиф ва ташаббусларни илгари сурдилар.

Конференция якунида муҳокамалар давомида билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида тегишли тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Шунингдек, мамлакатимизда ёшлар сиёсати самарадорлигини янада оширишга хизмат қилдиган устувор чора-тадбирлар белгилаб олинди.

ИМКОНИАТ, ИШОНЧ ВА МАСЪУЛИЯТ

Ёшлар қатламининг парламентдаги овозимиз!



Бугунги ёшларга нима керак? Улар нимани хоҳлайди? Фикримча, ўз иқтидорини кўрсатиш учун реал имкониятлар, замонавий билимлар ва эртанги кунга бўлган қатъий ишонч керак! Улар ўз гоёлари эшитилиши, ташаббуслари қўллаб-қувватланиши ва ёш авлод тақдирига дахлдор қарорларда бевосита иштирок этишини хоҳлайди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти айнан мана шу интилишларнинг амалий ифодаси, миллионлаб тенгдошларимиз орзу-истакларини қонун ижодкорлиги даражасига олиб чикувчи ягона кучдир.

Ёшлар ва уларнинг ёрқин келажagini таъминлаш масаласи – давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган. Бу борада қабул қилинган "Янги Ўзбекистон ёшлари – 2030" стратегияси ҳам бандликни таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш ва сифатли таълим тизимини яратишга қаратилган ислохотлар самарадорлигини ошириш бўйича улкан имкониятлар эшигини очмоқда. Айниқса, йиғит-қизларимизнинг нафақат иқтисодий ва ижтимоий, балки сиёсий жараёнлардаги иштирокини таъминлаш борасида қўлга киритилаётган натижалар тарихий аҳамиятга эга бўлмоқда.

Сиёсий майдонда ёшлар овозини янграйтиш, уларнинг қонунчилик соҳасидаги билимларини юксалтиришда Ёшлар парламенти ўзига хос мактаб вазифасини ўтамоқда. Бугунги кунда ушбу тузилма ёшларнинг ҳуқуқий фаоллигини оширувчи, уларни катта сиёсат ва давлат бошқарувига тайёрловчи реал кучга айланди. Ёшлар парламенти аъзолари олиб бораётган фаолият эса мамлакат сиёсий ҳаётига янги суръат бағишлаётган муҳим ҳаракатдир. Аъзоларимиз ёшларга оид қонун ҳужжатлари лойиҳаларини муҳокама қилишда бевосита иштирок этиб, ўз тенгдошларининг тақлифларини қонун нормаларига киритмоқда.

Ёш парламентарийлар фаолияти фақат пойтахт билан чекланиб қолмай, энг чекка қишлоқ ва маҳаллаларни ҳам қамраб олмоқда. Чекка ҳудудлардаги тенгдошларимизни қийнаётган масалаларни тинглаб, уларни ижро органлари ҳамда парламент минбарига олиб чиқмоқдамиз. Бу эса қўллаб-қувватлашнинг тизимли ечим топишига хизмат қилаяпти. Шу билан бирга, жойларда олиб борилаётган тарғибот ишлари нақвирон авлод вакилларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларда давлатимизда кечаётган тарихий янгиланишларга дахлдорлик туйғусини шакллантиришга замин яратмоқда.

Эътиборлиси, бу саъй-ҳаракатлар халқаро майдонда ҳам юксак эътироф этилмоқда. Ўзбекистон ёшлар сиёсатининг глобал миқёсдаги ютуғи сифатида Самарқанд шаҳрида Ёшлар парламентлари аъзоларининг глобал конференцияси ўтказилиши белгилангани юртимиз ёшларининг халқаро нуфузи ва салоҳияти тобора юксалиб бораётганининг яққол далилидир.

Мастураҳон НАБИХОНОВА,
"Келажак бунёдкори" медали соҳибаси,
Ёшлар парламентидаги "Адолат" СДП ёшлар гуруҳи аъзоси

Депутат ва ёшлар

Эртанги эгалари эъзоз ва эътиборда

Ёз мавсуми – мактаб ўқувчилари учун қувончли таътил даври. Улар бу пайтда дам оладилар, чўмиладилар, саёҳатларга чиқадилар, йил давомида олган билимларини мустаҳкамлайдилар. Ёзги таътилни самарали ўтказишда эса маҳалла ёшлар етакчиларининг ўрни катта.

Халқ депутатлари Чилонзор туман Кенгаши депутати Алишер Хусанов Чилонзор туманидаги "Ал-Хоразмий" маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб, маҳалла ёшлар етакчиси Муниса Исроиловнинг фаолияти билан танишди. Ўрганиш давомида ёшлар билан ишлаш тизимининг бугунги ҳолати, амалга оширилаётган лойиҳалар, мавжуд ютуқлар ҳамда камчиликлар ўрганилди.

Шу билан бирга, депутат маҳалла ёшларининг ёзги таътил даврини мазмунли ташкил этиш, уларнинг бўш вақтини самарали ўтказиш ҳамда янги билим ва таассуротлар олишлари учун яратилаётган шароитлар, ёшлар етакчиси томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар ва истикболдаги режалар билан қизиқди.

Таъкидланганидек, маҳалладаги ёшларнинг дунёқарашини кенгайтириш, уларни тарихий меросимиз ва миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш мақсадида бир қатор маънавий-маърифий тадбирлар режалаштирилган. Жумладан,

ёшларни Амир Темури музейи, Техника музейи каби илмий-маърифий масканларга олиб бориш орқали уларнинг тарих, фан ва технологияларга бўлган қизиқишини ошириш кўзда тутилган.

Шунингдек, ёшларни миллий хунармандчилик анъаналари билан таништириш, уларда касба меҳр уйғотиш мақсадида Абулқосим мадрасасида фаолият юритаётган хунарманд усталар билан учрашувлар режалаштирилган. Мазкур ташаббус ёшлар орасида миллий қадриятларга ҳурматни кучайтириш, уларни касб-хунарга йўналтириш ва меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Ёшлар етакчиси томонидан соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида болаларни сузиш ҳавзаларига олиб бориш каби турли спорт-соғломлаштириш тадбирлари ўтказиш билан бирга, ёшларнинг маънавий ва китобхонлик маданиятини ривожлантириш мақсадида кутубхоналарда китоб мўтоааси тадбирлари ўтказиб борила-япти.



Бугунги кунда хорижий тилларни ўрганиш муҳим аҳамият касб этаётганини инобатга олиб, Ёшлар ишлари агентлиги томонидан тақдим этилган онлайн таълим платформаларидан фойдаланиш имкониятлари яратилган. Бундан ташқари, маҳалла ҳудудида тил ўрганиш курслари ташкил этилиб, ёшларнинг замонавий билим ва кўникмаларини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Учрашув давомида замонавий ахборот технологияларига қизиқадиган ёшлар билан ишлаш масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Хусусан, киберспорт ва компьютер ўйинларига қизиқадиган ёшлар учун турли мусобақалар ва танловлар ташкил этиш орқали уларнинг қизиқишларини ижобий ва

фойдали томонга йўналтириш режалаштирилаётгани таъкидланди.

Ёшлар етакчиси маҳалладаги болалар ва ёшлар учун янада қулай шароитлар яратиш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга қаратилган ташаббусларни кенгайтириш мақсадида ҳомий ташкилотлар кўмағига эҳтиёж борлигини алоҳида таъкидлади. Бу борада давлат органлари, тадбиркорлик субъектлари ва жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликни кучайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Алоҳида эътиборга молик жиҳатлардан бири – ижтимоий ҳимояга муҳтож ҳамда тарбияси оғир бўлган ёшлар билан олиб борилаётган манзилли ишлар. Маҳалладаги

уч нафар тарбияси оғир ёшлар билан мунтазам равишда индивидуал ишланапти. Уларнинг тенгдошлари орасида ўзларини намунали тутишлари, ижтимоий фаол бўлишлари ва масъулият ҳиссини оширишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Депутат ёшлар етакчиси томонидан амалга оширилаётган ташаббус ва лойиҳаларни юқори баҳолаб, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, уларда ватанпарварлик руҳини камол топтириш, китобга муҳаббат уйғотиш, соғлом турмуш тарзига ўргатиш ҳамда замонавий билимлар сари йўналтиришга қаратилган ишларни янада кенгайтириш борасида ўз тақлиф ва тавсияларини

берди. Таълим жараёни самарадорлигини ошириш ҳамда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида маҳалла Ёшлар марказини интерактив доска билан таъминлаш тақлифини илгари сурди.

Олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар маҳаллада ёшлар билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш, уларнинг истеъодларини юксалтириш ҳамда баркамол авлодни тарбиялаш йўлидаги улуғвор мақсадларни амалга оширишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

"Адолат" СДП Тошкент шаҳар кенгаши матбуот хизмати



Эзгулик карвонлари

Бир ҳақиқатни унутмаслик керак – ҳеч қачон қалам аҳли, журналистларга осон бўлмаган. Бу касб дунёдаги хавфли соҳаларга киришини эҳтимол ҳамма ҳам билмас.

Бир йилда, боринг-ки, бир чоракда қанча журналист ҳалок бўлгани, касб қурбонига айлангани тўғрисидаги “тоши оғир” маълумотларга кўзингиз тушганда, дилингиз оғрийди, кўп нарсалар кўнгилдан кечади.

Биргина Ғазода Исроил тажовузлари ортидан 260 дан зиёд мухбирларнинг ҳаёт билан видолашганини нима билан изоҳлаш мумкин? Ҳақиқатни ёзувчи баъзи журналистларга очикдан-очиқ террорчи тамғасини ёпиштириб, атайлаб бадном қилишга уринишларни-чи? Россия – Украина қелишмовчиликлари фонида қанча ҳамкасбларимиз ҳаёт билан видолашди, биласизми? Давом этаётган бу можа-рода аллақачон 150 нафар медиа вакили қур-бон бўлди, 26 нафар журналист туқунлиқда сақланмоқда...

Афсуски, ҳамкасбларимиз фақат уруш бўлаётган ҳудудларда эмас, ҳақиқат топталаётган исталган тинч, демократия тантана қилаётган ҳудудларда ҳам таъқибга учраяпти, юмшоқ қилиб айтганда, ҳар куни “бурни қона-япти”.

Дунёни қудратли қуроллар, қаттиққўл сиё-сатчилар – давлат раҳбарларидан кўра ахборот бошқараётгани ҳақиқатга яқинроқдай бу-гун. Албатта, биз айтаётган ахборот осмондан тушмайди. Манфаат бор жойда ахборот ишга тушади. Очигани айтиш лозим, матбуотнинг кучи ҳар қандай қирувчи дронлар, қуроллар-дан кескинроқ бугун.

Бугун таҳлилчилар ғолиб ёки мағлуб то-монни таҳлил қилар экан, ахборот маконидаги “кураш”ни, унда қимнинг қўли банд келга-нини биринчилар қаторида тилга олади.

Бугун дунё давлатлари яхлитлигини уш-лаб турган “стержен” – ички яхлитлик йўқол-гани, эъзозлаб келинган айрим қадриятлар са-риқ чақага айланаётгани, БМТдек номи улуг ташкилотнинг нуфузи олдингидек эмаслиги, номдор халқаро ташкилотларнинг обрўсизла-ниб бораётгани, ростмона урушлар ортидаги

хуфёна мақсадлар – жанглор ортида ҳолис, ноҳолис ахборотлар турганини оддий ўқувчи ҳам кўриб, ҳис этиб турибди.

Тасаввур қилинг, тинчгина яшаб келаёт-ган бир мустақил давлатнинг ишига бошқа бир зўравон давлатнинг турли вахлар билан аралашishi, унга зуғум ўтказishi оддий ҳолга айланиб қолди. Тўғридан-тўғри босқинчилик урушлари, ёш болалар, аёллар, катта-кички-ни бирдек қатлиом қилиш ва бу ишларни “оқлаш”га бўлган уринишда ахборот ва ахборот вакил-лари ёрдамга келаётгани ачинарли ҳолат.

Битта ахборот бир пайтнинг ўзида бир неча хил талқин қилинаётганининг ортида ни-малар ётганини зўкко таҳлилчиларгина тах-мин қилиши мумкин, холос. Оддий ўқувчи эса чалғиши турган гап.

Хўш, бу ўзгаришлар оммавий ахборот воси-таларига қандай таъсир қилаяпти? Жавоб од-дий, аёнки, ана шундай кескин қарашлар жан-гида оммавий ахборот воситалари ҳам ўз орбитасидан чиқиб кетаётгандек. Афсуски, урушни оқлаётган, вайронагарчиликларни қўллаб-қувватлаётган, босқинчи қўлида қурол бўлиб қолаётган баъзи матбуот марказлари яшаб келаяпти.

Бир нарсани унутмаслик лозим, ҳақиқатни парда ортига олиш ёки шунга кўмаклашиш нафақат касбга, балки инсониятга хиёнат-дан бошқа нарса эмас.

Ана шу нуқтаи назар билан Ўзбекистонда матбуот қандай, деган саволни берадиган бўлсангиз, озрок нафасни ростлаб, жавоб бе-ришга тўғри келади.

Матбуот – кўзгу. Унда жамиятдаги катта-ки-чик ўзгаришлар, мавжуд ҳолатлар бор-бўйи билан акс этиши зарур.



Матбуот – кўзгу.
Унда жамиятдаги
катта-кичик
ўзгаришлар, мавжуд
ҳолатлар бор-бўйи
билан акс этиши зарур.
Нафсиламбрини айтганда,
матбуот, оммавий ахборот восита-
лари, журналистика, ҳар бир
журналист, яъни сизу биз ҳаммаша
эзгуликка хизмат қилишимиз
керак. Бизнинг карвонимиз
азалдан эзгулик карвонидир.

Нафсиламбрини айтганда, матбуот, ом-мавий ахборот воситалари, журналистика, ҳар бир журналист, яъни сизу биз ҳаммаша эзгу-ликка хизмат қилишимиз керак. Бизнинг кар-вонимиз азалдан эзгулик карвонидир.

Бугун Ўзбекистонда юз бераётган ижобий ўзгаришлар – эврилишлар, мамлакатимиз билан қўшни давлатлар ўртасидаги муноса-батлардаги илиқлик, самимийлик, қолаверса, одамлар онгида юз бераётган ўзгаришлар матбуотда ўз аксини топмаса, қаерда топади?

Шуқри, миллий матбуотимизда бу жараён баҳоли қудрат намоён бўлиб келмоқда. Мат-буотимиз, унинг жонқуяр вакиллари катта ис-лохотлар, жараёнлар ичида яшамоқда, шу ҳа-водан нафас олмақда. Бу жуда муҳим. Аф-суски, буни нотўғри тушунадиганлар ҳам йўқ эмас орамизда.

Шуни унутмаслик лозимки, журналистнинг иши – тирноқ остида кир қидириш эмас. Жур-налист ҳам худди оддий қосиб, новвой, ўқи-тувчи, ҳарбий хизматчидек ўз миллати, халқи, Ватанига бел боғлаб хизмат қилмоғи лозим. Чунки у ҳам энг аввало шу замин фарзанди.

Тўғри, камчиликлар қаерда йўқ дейсиз? Юқорида эслаб ҳам ўтдик. Ягона ҳақиқат бор, бу – ўз элига хизмат қилмоқ! Ва биз қалам аҳли бундан мустасно эмасмиз.



Абдусайд КҶЧИМОВ,
Сенатор, “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши аъзоси,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Ташқаридан кимдир келиб муаммолари-мизни ҳал қилиб бермайди. Ютуқлар ҳам, кам-чиликлар ҳам ўзимизники.

Дунёнинг катта қисми олов ичида қолаётга-нини кўриб турибмиз. Денгиз йўллари, қуруқ-ликдаги алоқа воситалари, ҳатто ҳаво йўллари бот-бот ёпилиб қолаяпти. Олам гўёки муам-молар гирдобиде қолгандек. Ана шундай пайтда тинчликни сақлаш, алоқаларнинг узилишига йўл қўймаслик сиёсати нақадар муҳимлигини ҳис қиласан, киши.

Бу гоёни қўллаб-қувватлаш, тарғиб қилиш қанчалар аъло иш.

Бу бизнинг давлатимиз олиб бораётган сиё-сат. Хурматли Президентимиз халқимизни бошлаб бораётган нури йўл – ана шу.

Шу ўринда бир жиҳатга изоҳ бермоқчиман. Мақтов бор, маддоҳлик бор. Мақтов нима? Маддоҳлик нима? Улар битта нарса эмаслиги аниқ. Аммо уларнинг чегараси қайда, шуни би-лаяпмизми? Гоҳо шундай кимсаларга дуч ке-ласан киши, улар учун ишлаётганларга мин-натдорлик билдириш, бу – маддоҳлик. Ўз-бекистон Қаҳрамони, устоз Абдулла Орипов

бундай касларни “Нусха” шеърда аниқ таъ-рифлаган:

Қайси жойда кўрсатмасин қорасини,
Бузади у одамларнинг орасини.
Қочгандан ҳам бир нимани юлиб олар,
Қувгандан ҳам талаб қилар порасини...

Шундай нусхаларни фош қилишда ҳам жур-налист фаол бўлмоғи лозим.

Эътибор бериб қарасак, 2014 йилдан буён дунё эркин нафас олаётгани йўқ. Урушлар, низолар, қон тўкишлар. Миллиард-миллиард доллар маблағлар янги иш ўринлари ташкил қилиниши, мактаб, даволашни масканлари ку-риш, бог-роғлар яратилиши ўрнига қурол-яроғ учун сарфланиб келмоқда.

Ана шундай нозик бир палла Ўзбекистонни дунёга тинчликсеварлиги билан танилаёт-ган диёр сифатида эътироф этилаётгани гоёт қадридир. Президентимиз таъбири билан айтганда: **“Биз ўзимизнинг меҳнатимиз, яратувчанлигимиз билан олам аҳлига ўзимизнинг қимлигимизни кўрсатиб кел-моқдамиз”**. Журналистлар ана шу сафнинг олдида бўлмоғи керак.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ушбу ўлмас гоёсини тарғиб қилиш, айнан шу мақсад йўлида ишлаш ҳар биримизнинг вазифамиз, бурчимиз.

Зеро, давлат раҳбари журналист аҳлининг машаққатли меҳнатини муқаддас сарҳадла-римизда сергак турган Ватан посбонлари-нинг жасоратига қиёслайди. Бу ҳақиқатни ан-гламаган мухбир, журналист катта хато қила-ётганини англаб етиши ва Президентимиз алоҳида таъкидлаганидек, **“ОАВда ҳолислик ва қонун устуворлигини таъминлаш, про-фессинал билим ва маҳоратини ошириб бориш, ахборот тарқатишининг замона-вий усулларини ўзлаштириш, аҳоли ўрта-сида ахборот, баҳс ва мулоқот мадания-тини шакллантириш, жамиятимиздаги турли иллатлар, коррупция балосига қарши курашиш каби долзарб вазифалар бўйича ҳали кўп ишлар қилишимиз зарур”**.

Тафаккур

Олим киши сўзидан олгил ўғит,
Яхши сўзлар таъсири
дилга сингар.

Маҳмуд ҚОШҒАРИЙ

Ҳақ йўлида юриш учун садоқат ва илм нури керак. Чунки илм қуёши фақат ихлос қалбида мут-тасил порлаб туради. У ҳеч қач-чон ботмайди, на кундузи, на ке-часи. Фидойи бу ёруғлик орқали ўз йўлида дадил қадамлар билан юришда давом этади. Ҳақиқат-нинг бутун йўли ҳақиқат ва ҳақиқатдир. Сўфийларнинг са-доқатида ёлғон бўлмайди. “Кимки ёлғон гапирса, сўзи, моҳияти ва ишида ёлғон бўлса, сўфийлик би-лан ҳеч қандай алоқаси йўқ”.

Абдулқодир ЖИЙЛОНИЙ

27-ИЮН

MATBUOT

VA OMMAVIY AXBOROT

VOSITALARI XODIMLARI

kuni muborak bo'lsin!

SIZNING SO'ZINGIZ-
jamiyatning nigohi,
haqiqatning ovozi!

Biznesni
Rivojlantirish
Banki

WWW.BRB.UZ

Хизматлар лицензияланган!

26 ИЮНЬ –
ХАЛҚАРО
ГИЁХВАНДЛИККА
ҚАРШИ КУРАШ КУНИМИЛЛАТ ГЕНОФОНДИ ВА
АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ –

ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Глобаллашув ва технологиялар шиддат билан ривожланаётган бугунги замон нафақат инсониятга қулайликлар яратмоқда, балки бир қатор трансмиллий таҳдидларнинг ҳам янгича кўринишда бўй кўрсатишига замин ҳозирляпти. Ана шундай аср вабоси сифатида инсоният келажагига раҳна солаётган энг катта хавфлардан бири — гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг синтетик аналогларининг ноқонуний айланмасидир.

Гулнорахон АБДУВОҲИДОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
“Адолат” СДП фракцияси аъзоси

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, гиёҳвандлик нафақат шахсининг соғлиғини емиради, балки жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий асосларига путур етказди, жиноятчиликнинг орттишига сабаб бўлади.

Президентимиз раислигида аҳоли саломатлиги ва миллат генофондини гиёҳвандлик балосидан ҳимоя қилишга қаратилган қонунчиликни тақомиллаштириш юзасидан ўтказилган тақдирот бу борадаги ишларни мутлақо янги сифат босқичига олиб чиқди. Хусусан, давлатимиз раҳбари Парламентимиз томонидан қабул қилинган янги тарихий қонунни имзолаши, мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш ва келажак авлодини асраб-авайлаш йўлидаги қатъий қадамлардан бири бўлди.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, бунгача мавжуд бўлган ҳуқуқий механизмлар наркотикининг замонавий ва яширин усулларида қарши курашишда тизимли бўшлиқларга эга эди. Шу сабабли, янги қонун билан Жиноят кодексига “Аҳоли саломатлиги ва генофондида қарши жиноятлар” номи янги

боб киритилди.

Жиноят кодексига бундай номланишдаги махсус бобнинг киритилиши давлатнинг ушбу иллатга бўлган муносабати тубдан ўзгарганини англатади. Эндilikда гиёҳвандликка оид жиноятлар нафақат жамоат тартибига қарши қаратилган ҳаракат, балки миллатнинг биологик ва интеллектуал келажагига (генофондига) қилинган тўғридан-тўғри таҳдид сифатида малакаланади.

Айниқса, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида “аптека наркоманияси” ёки синтетик гиёҳвандлик моддаларининг тарқалиши хавфи кучайган бир шароитда, ушбу боб ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар учун кучли ва мурасасиз ҳуқуқий қурол бўлиб хизмат қилади.

Барчага маълум, бугунги кунда анъанавий қорадорни ёки кўнорнинг ўрнини қиммий йўл билан олинадиган, инсон руҳиятини биринчи истеъмолданок издан чиқарадиган синтетик наркотиклар ва кучли таъсир қилувчи психотроп моддалар эгалламоқда. Уларнинг савдоси, асосан, интернет тармоғи, яширин мессенжерлар ва рақамли тўлов тизимлари орқали амалга оширилмоқда.

Янги қонун наркотикининг таъсир қилувчи воситаларини инобатга олган ҳолда, қуйидаги қилимишлар учун алоҳида ва кескин жавобгарлиқни белгиламоқда. Хусусан, эндиликда синтетик моддаларни яширин лабораторияларда ишлаб чиқарувчиларга нисбатан энг оғир жазо чоралари қўлланилади. Наркотрафикни ташкил этувчи, уларни молиялаштирувчи ва жараёни парда ортидан бошқарувчи “наркобарон”лар ва жиноий гуруҳ етакчилари учун жазо муқаррарлиги таъминланади.

Ушбу чоралар жиноятнинг нафақат оқибати билан, балки унинг илдизи бўлган ишлаб чиқарувчи, ташкилотчи ва маблаг билан таъминловчи билан курашиш имконини беради.

Шунингдек, янги қонун ҳужжати шунчаки янги қоидаларни киритиш билан чекланмай, мавжуд тизимдаги жазо чораларини ҳам кескинлаштирди. Хусусан, аҳоли саломатлиги ва генофондига жиддий хавф солувчи жиноятлар учун жавобгарлик назарда тутилган амалдаги 16 та модда ҳамда 3 та ўта оғир жиноятлар бўйича янги моддалар киритилиб, уларга алоҳида мақом берилди. Бу турдаги жиноятлар қайта содир этилишининг олдини олиш мақсадида жиноий жавобгарлик чоралари оғирлаштирилди.

Энг муҳими, ўта оғир турдаги айрим наркотикилар учун муддатидан илгари шартли озод қилиш тартиби қўлланилмаслиги белгиланди. Бу ўзгаришлар жамиятда жиноят учун жазонинг муқаррарлиги принципини янада мустаҳкамлайди. Ҳар қандай жиноятчи ёшларни заҳарлаш орқали бойлик орттиришнинг оқибати узоқ йиллик қамоқ жазоси эканини англаб етади.

Гиёҳвандлик моддалари ёки рухиятга таъсир қилувчи воситаларни истеъмол қилиб, транспортни бошқариш — бу нафақат ҳайдовчининг, балки йўлдаги бегуноҳ инсонларнинг, пиедалар ва йўловчиларнинг ҳаётини хавф остига қўйиш, демакдир. Қонунчиликдаги янги ўзгаришлар мана шундай хавфли ҳолатларнинг олдини олиш, йўлларда тартиб-интизомни кучайтириш ва инсонлар ўлими билан боғлиқ мудҳиш йўл-транспорт ҳодисаларига чек қўйишга қаратилганлиги билан янада аҳамиятлidir.

Умуман олганда, ушбу қонун наркотикининг таъсир қилувчи воситаларини мутлақо янги босқичга олиб чиқишда, аҳоли саломатлиги ва миллат генофондини ҳимоя қилишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Шу боис, қонуннинг қабул қилиниши бу шунчаки ҳуқуқий ҳужжат эмас, балки давлатнинг ўз фуқаролари, айниқса, келажагимиз эгалари бўлган ёшлар ҳамда кўрсатаётган юксак эътибори ва ғамхўрлигининг амалий ифодасидир. Эндиги вазифа ушбу қонун ижросини жойларда қатъий таъминлаш, кенг жамоатчилик, маҳалла ва таълим муассасалари билан ҳамкорликда гиёҳвандликка қарши “ижтимоий иммунитет”ни шакллантиришдан иборатдир.

Зеро, соғлом миллат ва хавфсиз жамият — кучли ва қудратли давлатнинг бош пойдевори. Бу, айниқса, Парламент ва маҳаллий Кенгашлар депутати бўлган халқ вакиллари зиммасига катта масъулият юклайди. Биз халқ вакиллари жойларда қонун ижросига масъул бўлган давлат идоралари билан ҳамкорликда белгиланган ҳар бир норма ижросини таъминлашга тўлақонли масъул саналамиз.

МАҚСАД –
СУД ҲОКИМИЯТИНИ
КОРРУПЦИЯДАН
ХОЛИ ТИЗИМГА
АЙЛАНТИРИШ

Маълумки, 2026 йилда мамлакатимиз суд тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича “ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТ” эълон қилинган. Президентимиз томонидан “Судларда комплаенс назорат тизими самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармоннинг имзоланиши айти йўналишдаги эзгу мақсадларни янги босқичга олиб чиқишга замин яратди.

Шуҳрат КАМОЛОВ,
Хоразм вилоят суди раиси

Эътироф этиш керак, фармондан кўзланган асосий мақсад — судларда коррупцияга олиб борувчи омилларни барвақт бартараф этиш, суд аппарати ходимларини ишга қабул қилиш жараёнини шаффоф тартиб-таомиллар ва очиқ танловга асосланган тарзда ташкил этиш, уларнинг салоҳияти, иқтисоди, касбий сифатлари ҳамда алоҳида хизматларини одилона ва ҳаққоний баҳолаш (меритократия) асосида касбий ўстириш, суд тизимида жамоатчилик ишончини мустаҳкамлаш ва суднинг нуфузи ва обрўсини ошириш, суд органларини янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги ислохотларнинг кўмакчисига айлантиришдан иборат. Энг муҳими, суд ходимлари орасида коррупциянинг олдини олишга масъул бўлган Комплаенс назорат хизмати ташкил этилади. Мансаб даражасига эга бўлган суд ходимлари учун ихтисослашган хизмат кийими жорий қилиш орқали уларнинг касб масъулиятини янада чуқур ҳис этишларига эришилади.

Аввало, Комплаенс назорат хизмати тизимда коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш, коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларни бартараф этиш чораларини кўриб, суд ходимлари томонидан касб этикаси ва қонунчилик ҳужжатларига риоя этилишини мониторинг қилиб боради. Коррупция ва суд тизими обрўсига путур етказувчи бошқа ҳолатларнинг олдини олиш билан бирга суд аппаратида ишга қабул қилиш жараёндарида шаффофлик ва ҳолисликни таъминлайди. Шунингдек, белгиланган тартибда суд аппарати лавозимларига номзодларни коррупцияга қарши текширувдан ўтказиб, ҳулоса беради. Ходимларда коррупцияга мурасасиз муносабатни шакллантириб, уларнинг бу борадаги билим ва кўникмалари узлуксиз ошириб борилишини мувофиқлаштиради. Энг эътиборлиси, суд аппарати ходимлари, улар оила аъзоларининг (турмуш ўртоғи ва вояга етмаган фарзандлари) даромадлари ва мол-мулки, шунингдек, манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини декларация қилиш тизимларини ишга тушириш ҳамда юритиш, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик ҳолатларига йўл қўймаслик чораларини кўради. Қолаверса, коррупция ҳолатлари ҳақида хабар берган ходимларни ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш, пора тақдир этиш ҳолатлари ҳақида ходим томонидан хабар бериш тизимини, шунингдек, фуқаролар учун хавфсиз алоқа каналларини жорий этади.

Яна бир эътиборли ҳолат шуки, суд аппаратида коррупциявий хавф-хатар юқори бўлган лавозимлар рўйхатини тасдиқлаш, бундай вазифа ва функцияларни рақамлаштириш, уларни амалга оширишда инсон омилини камайтириш орқали ҳам кўзланган мақсадларга эришишдир.

Бундан ташқари, суд аппарати ходимларини ишга қабул қилишда муқаддам коррупцияга оид жиноятларни содир этишда суд томонидан айбдор, деб топишган шахсларни ишга қабул қилиш, нотариус, адвокат, судья, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ёки бошқа давлат органи фаолиятида ноҳўя хатти-ҳаракатлари учун лавозимдан бўшатишган шахсларни уч йил мобайнида ишга қабул қилиш, педагогик, илмий ва ижодий фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа фаолият билан шуғулланиш, тадбиркорлик субъектини таъсис этиш, унда ташкилий-бошқарув, маъмурий-ҳўжалик вазифаларини бажариш (бундан акциядорлик жамиятлари эркин муомалада бўлган акцияларига қўнунчиликда белгиланган талаблар доирасида эгаллик қилиш ҳоллари мустасно), ўз хизмат вазифаларини сиёсий партиялар, бошқа жамоат бирлашмалари, шунингдек, жисмоний ва юридик шахслар манфаатларини кўзлаб бажариш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида ҳисоббарақлар очилиш ва уларга эга бўлиш, қўчмас мулк ва бошқа мол-мулкка эгаллик қилиш каби чекловлар ўрнатилди.

Тизимда HR-менеджмент механизмларидан кенг фойдаланган ҳолда номзодларнинг шахсий ва касбий фазилятлари, шу жумладан, уларнинг маънавий-ахлоқий ва ҳалоллик сифатлари ҳаққоний баҳолаш имконини берувчи очиқ танлов асосида ишга қабул қилиш тизими жорий этилади. Инсон ресурсларини бошқариш ва ривожлантиришда рақамли технологиялар, шу жумладан, сўнъий интеллектдан фойдаланган ҳолда вакант лавозимлар эълон қилинади. Судларга олий юридик маълумот ва илмий салоҳиятга эга бўлган кадрларни жалб қилишда республиканинг етакчи олий таълим муассасалари ҳамда Бошқарув самарадорлиги агентлиги билан ҳамкорлик йўлга қўйилади.

Давлатимиз раҳбарининг юқоридаги фармони орқали судьялар корпутида коррупцияга мурасасизлиқни шакллантириш мақсадида 2027 йил 1 майга қадар Олий суд олдида суд аппарати ходимлари томонидан манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари ҳамда даромадлар ва мол-мулки тўғрисидаги декларацияни Олий судга тақдим этиш, шунингдек, уларни текшириш ва таҳлил қилишнинг автоматлаштирилган электрон тизимини, қолаверса, ходимлар фаолиятидаги коррупция, шубҳали схемалар ва интизом бўзилишлари оғир келувчи бўшлиқларни аниқлаб, уларни бартараф этиш, ходимлар фаолиятини мониторинг қилиш имконини берувчи коррупциявий хавф-хатарларни бошқариш электрон ахборот тизимини ишга тушириш вазифалари ҳам қўйилди.

Албатта, Президент фармонида белгиланган эзгу мақсадлар ўз самарасини беради. Зеро, суд ҳокимиятини коррупциядан холи тизимга айлантириш ҳамюртларимизнинг амалдаги қонунларимизга, Янги Ўзбекистонда кечаётган адолатли ва инсонпарвар сиёсатга бўлган ишончини мустаҳкамлайди.

Инсон ўзининг ички дунёсини юксалтирганда, у дунёга нур сочади. Энг улуг инсон ўзининг қалби тоза бўлган ва бошқаларга тўғри йўл кўрсатадиган инсондир.

Аҳмад ЯССАВИЙ

Депутат аралашгач

САНАМ МОМОНИНГ
ОРЗУСИ АМАЛГА ОШДИ

Инсонпарварлик, меҳр-оқибат ва аҳоли муаммоларига эътибор — жамият тараққиётининг муҳим мезонларидан биридир. Бу борада халқ билан яқин ишлаш, уларнинг дарди-га қулоқ тутиш ва амалий ёрдам кўрсатиш муҳим аҳамият касб этади.

Баҳром МУСТАҲОЕВ,
партия фаоли

Ғузур тумани Янгикент қишлоғида яшовчи Санам момо Қайсарова ҳам ана шундай эътибор ва қўмакка муҳтож фуқаролардан бири эди. У “Адолат” СДПнинг туман қабулхонасига мурожаат қилиб, яшаб турган уй-жойи нураб қолгани, янги уй қуриш учун эса моддий имконияти етарли эмаслигини маълум қилди.

Мурожаат юзасидан “Адолат” СДП фаоллари ҳамда халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Ҳабиба Холиёрова Санам момонинг хонадонига бориб, унинг яшаб шароитини ўрганди. Ўрганиш жараёнида ҳақиқатдан ҳам хонадон эгаси оғир ижтимоий шароитда яшаётгани, уй-жойи таъмирталаб ҳолга келиб қолгани аниқланди.

Масалага беварқ бўлмаган депутат Ҳабиба Холиёрова ташаббуси билан Санам момога янги уй қурилиши учун зарур қурилиш материаллари — 70 дона шифер, 1000 дона блок гишт ҳамда 1 тонна цемент етказиб берилди.

Шунингдек, депутат бошчилигида маҳалла фаоллари иштирокида ҳашар ташкил қилиниб, Санам момонинг янги уйини барпо этиш ишлари бошланди.

Бундай эзгу ташаббуслар халқ вакилларининг аҳоли билан ҳамнафас бўлиб, инсон қадрини улуғлаш йўлидаги амалий ишларидан бири бўлди. Эътибор ва ғамхўрликдан мамнун бўлган Санам момо ёрдамни катта қувонч ва миннатдорлик билан қабул қилди.

“Адолат” СДП фаоллари ва депутатлар томонидан амалга оширилаётган бундай хайрли ишлар аҳоли ишончини мустаҳкамлаш, эҳтиёжманд инсонларни қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда.



ҚУЁШ, НУРНИНГ СОЧАДВЕР МУЛ-МУЛ...

КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШДА ҚУЁШ ПАНЕЛЛАРИ ДАСТУРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Қуёш панеллари қайта тикланувчи энергия манбалари-дан бири бўлиб, бугунги кунда улардан кенг қўламда фойдаланиш ижобий натижа бермоқда. Улар қуёш нурларини электр энергиясига айлантириб, инсонларни арзон ва экологик тоза энергия билан таъминлайди.

**Сарвар ЭРГАШЕВ,
“Адолат” СДП Марказий аппарати
бошқарма бошлиғи**

Қуёш панелларининг энг муҳим афзалликларидан бири — атроф-муҳитга зарар етказмаслиги. Бу, ўз навбатида, экологик муаммоларнинг камайишига ёрдам беради. Шунингдек, қуёш энергияси тугамайдиган табиий ресурс ҳисобланади.

Яна бир ижобий жиҳати шундаки, қуёш панеллари электр энергияси учун сарфланадиган харажатларни кескин камайтиради. Улар ўрнатилгандан кейин узок йиллар давомида хизмат қилиб, оила, корхона ва ташкилотларнинг бюджетини тежаш имконини беради.

Бундан ташқари, қуёш панелларини шаҳарларда ҳам, чекка ҳудудларда ҳам ўрнатиш мумкин. Электр тармоғи етиб бормасдан жойларда аҳолини мустақил энергия манбаи билан таъминлашда айниқса фойдалидир.

Қуёш панеллари экологик тозаллиги, иқтисодий самардорлиги ва қулайлиги билан ажралиб туради. Шу сабабли келажақда қуёш энергиясидан фойдаланиш янада кенгайиши қўлмоқда.

Қуёш панеллари аҳоли учун иқтисодий тежамкорлик, энергия мустақиллиги, экологик тозаллик ва қулайлик каби кўплаб афзалликларни тақдим этади. Шу боис улардан фойдаланиш тобора оммалашиб бормоқда.

Бугунги кунда дунё миқёсида энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш, қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий этиш ва аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланмоқда. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида ҳам “яшил иқтисодиёт”ни ривожлантириш, экологик барқарорликни таъминлаш ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш устувор вазифа сифатида белгиланган. Шу нуқтаи назардан қараганда, маҳаллаларда кам таъминланган аҳоли хонадонларига давлат субсидияси асосида қуёш панелларининг ўрнатилиши нафақат энергетика соҳасидаги ислохотларнинг муҳим қисми, балки аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилувчи самарали ижтимоий лойиҳа ҳам ҳисобланади.

Қуёш энергияси Ўзбекистон учун энг қулай ва истиқболли қайта тикланувчи энергия манбаларидан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда йил давомида қуёшли кунларнинг кўпчилиги ушбу имкониядан самарали фойдаланиш учун кенг шароит яратади. Давлат томонидан ажратилаётган субсидиялар эса кам таъминланган оилаларнинг ҳам

замонавий технологиялардан фойдаланишига йўл очмоқда.

Қуёш панеллари ўрнатилишининг энг муҳим ижобий жиҳатларидан бири — аҳолининг электр энергияси учун сарфлайдиган маблағларининг иқтисод қилинишига олиб келади. Натижада оиланинг коммунал тўловлари қисқаради ва тежалган маблағлар таълим, соғлиқни сақлаш, озиқ-овқат ёки бошқа муҳим эҳтиёжларга сарфланиши мумкин бўлади.

Давлат субсидияси асосида қуёш панеллари ўрнатилиши аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлашнинг самарали механизми ҳисобланади. Чунки кам таъминланган оилалар қimmat технологияларни мустақил сотиб олиш имкониятига эга эмас. Субсидия тизими эса уларга катта молиявий юкламасиз замонавий энергия манбаларидан фойдаланиш имконини беради. Бу жараён ижтимоий тенгликни таъминлашга ҳам хизмат қилади. Нафақат юқори даромадли аҳоли, балки иқтисодий жиҳатдан қийналган оилалар учун ҳам инновацион технологиялардан баҳраманд бўлиш имконияти яратилади. Натижада аҳолининг турмуш сифати яхшиланади ва ижтимоий адолат таъминланади.

Маҳаллаларда қуёш панелларининг кенг жорий этилиши мамлакатнинг умумий энергетик хавфсизлигини ҳам мустаҳкамлайди. Электр энергиясига бўлган талабнинг бир қисми қайта тикланувчи манбалар ҳисобидан қопланиши натижасида давлат энергетика тизимидаги юклама камаяди. Бу эса барқарор ва ишончли энергия таъминотини таъминлашга хизмат қилади.

Бу лойиҳалар орқали қайта тикланувчи энергия технологияларига бўлган талаб ортади, маҳаллий ишлаб чиқариш ривожланади, янги иш ўринлари яратилади. Қуёш панелларини ўрнатиш, техник хизмат кўрсатиш ва уларни бошқариш соҳасида малакали мутахассисларга эҳтиёж кўпаяди. Бу эса иқтисодиётнинг янги тармоқларини шакллантиришга хизмат қилади.

Ўзбекистонда маҳалла жамиятининг муҳим бўғини ҳисобланиб, қуёш панеллари билан таъминлаш дастурларининг маҳаллалар орқали амалга оширилиши аҳоли билан давлат ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлайди. Маҳалла фуқаролар йиғинлари кам таъминланган оилаларни аниқлаш, уларнинг эҳтиёжларини ўрганиш ва лойиҳаларни шаффоф амалга оширишда муҳим вазифани бажаради. Бу эса ижтимоий дастурларнинг ман-



**Депутатлик
назорати орқали
мазкур дастур-
нинг амалий
ижроси,**

**ажратилган маблағлардан
мақсадли фойдаланиш,
субсидияларнинг ҳақиқатан
эҳтиёжманд оилаларга етиб
бориши ҳамда қуёш панелла-
рининг сифатли ўрнатилиши
юзасидан ҳолис баҳолаш
имконияти яратилади.
Бу эса давлат томонидан
ажратилаётган ресурсларнинг
самарадорлигини оширишга
хизмат қилади.**

зиллилигини таъминлайди ва аҳолининг давлат сиёсатида бўлган ишончини оширади.

Мамлакатимизда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, энергия тежамкор технологияларни жорий этиш ҳамда қайта тикланувчи энергия манбаларидан самарали фойдаланиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, маҳаллаларда кам таъминланган аҳоли хонадонларига давлат субсидияси асосида қуёш панелларини ўрнатиш ишларининг ҳолатини депутатлик назорати тартибида ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Депутатлик назорати орқали мазкур дастурнинг амалий ижроси, ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланиш, субсидияларнинг ҳақиқатан эҳтиёжманд оилаларга етиб бориши ҳамда қуёш панелларининг сифатли ўрнатилиши юзасидан ҳолис баҳолаш имконияти яратилади. Бу эса давлат томонидан ажратилаётган ресурсларнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Қўридагиларни инобатга олган ҳолда партия Сайловолди дастурида ҳам кам таъминланган аҳоли хона-

донларига давлат субсидияси асосида қуёш панеллари ўрнатишни қўллаб-қувватлаш устувор вазифа сифатида илгари сурилган. Сайловолди дастуридан келиб чиқиб, партиянинг маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз томонидан маҳаллаларда ўтказилаётган ўрганишлар давомида мазкур масалаларга доир мавжуд муаммо ва камчиликлар, жумладан, субсидия ажратиш жараёнидаги бюрократик тўсиқлар, қўрилмаларни ўрнатишдаги кечикишлар, техник хизмат кўрсатиш билан боғлиқ муаммолар ёки аҳолининг хабардорлик даражаси етарли эмаслиги каби ҳолатлар юзасидан муаммоларни ўрганиб, тегишли тақлифлар ишлаб чиқилмоқда.

Жумладан, мазкур масала юзасидан партиянинг маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз томонидан доимий комиссияларга 6 та (Амударё, Қораўзақ, Тўпроққалъа, Ромитан, Фарғона, Зафаробод) масала киритилди ва ушбу масалалар бевосита Кенгаш сессиялари кун тартибига киритилиши белгиланган бўлиб, партиянинг бошқа туман ва шаҳар Кенгашларидаги депутатларимиз томонидан ҳам мазкур масала юзасидан доимий комиссиялар ва Кенгаш сессиялари кун тартибига киритиб бориш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланган.

Ўрганиш натижаларини халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари муҳокамасига киритиш эса ушбу масаланинг очиқ ва шаффоф тарзда қўриб чиқишига хизмат қилади. Муҳокамалар жараёнида масъул ташкилотлар ҳисоботи эшитилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан қарорлар қабул қилинади. Бу орқали депутатлик назоратининг таъсирчанлиги ошади ва аҳоли манфаатларини ҳимоя қилишда Кенгашларнинг роли кучаяди.

Бундан ташқари, муҳокамалар натижалари асосида ҳудудларда қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий этиш, субсидия дастурларини такомиллаштириш ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгилаб олинади.

МУАММОГА ЕЧИМ ТОПИЛДИ

Фуқароларнинг мурожаатларини ўрганиш, уларни қийнаётган муаммоларга ечим топиш ва амалий ёрдам кўрсатиш халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатларининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Халқ депутатлари Риштон тумани Кенгаши депутати М.Аҳмадалиевага “Дашт Тегиримон” маҳалласи аҳолисидан навбатдаги мурожаат келиб тушди. Унда ҳудуддаги сув ўтказиш тизими муаммоларини бартараф этиш ҳамда қувур ётқизишда амалий кўмак сўралган эди.

Мурожаат депутат томонидан атрофлича ўрганилиб, масалани ижобий ҳал этиш юзасидан тегишли ташкилотлар билан ҳамкорлик ишлари йўлга қўйилди. Хусусан, туман Йўллардан фойдаланиш давлат муассасаси раҳбари Ж.Раҳмоновга расмий мурожаат юборилиб, муаммони бартараф этиш бўйича зарур чоралар кўриш сўралди.

Олиб борилган саёй-ҳаракатлар натижасида мурожаат ўз ечимини топди. Ҳудудда қувур ўтказиш ишларини ташкил этиш учун зарур техникалар жалб қилиниб, аҳолини қийнаб келган муаммо бартараф этилди.

Фарғона вилоят кенгаши матбуот хизмати

Депутат аралашгач



Мулоҳаза учун мавзу



Шу кунларда пойтахтга тез-тез келиб-кетяпман. Йўл-йўлакай машинамнинг ёқилгиси учун ҳарна, деб йўловчи олдим. Ёши салкам етмишни қоралаган нуруний ҳамроҳим бўлди. Чамаси бир соатлар ўтгач, ён қўшнисининг қилмишларидан арз қила кетди ва шикоят хатлари-ю суд қарорларидан “семириб” кетган папкасини титкилай бошлади. Гап-сўзларини эшитиб, ҳужжатларига кўз югуртириб, ёши бир жойга бориб қолган, юриш-туриши-ю панд-насиҳати билан фарзандлари, ёшларга ибрат бўлгулик икки қўшнининг узок йиллик можароси арзимаган воқеа сабабли келиб чиққанига амин бўлдим.

**Баҳриддин ХОНКЕЛДИЕВ,
журналист**

ҚАЕРГА

КЕТАЯПСАН,



ОҚИБАТ?!

Гап шундаки, ўзини Аҳад бобо, деб таништирган ўша кишининг қўшниси анча йил илгари ҳовлиси деворига тираб молхона қурибди. Молхона томини эса унинг ҳовлисига қия қилиб қоқибди. Натижада ёгингарчилик сувлари Аҳад бобонинг омборхонаси томон оқиб, деворини захлатиб юборибди. Бир неча бор бу ҳақда айтса-да, қўшниси парво қилмабди. Шу-шу ўзаро жанжаллар авж олиб, маҳкамдан-маҳкамага бир-бирининг устидан ариза қўтариб чопа бошлашибди. Дарвоқе, Аҳад бобонинг бундан бир неча йил илгари захликдан қулаб тушган омборхонаси ҳамон вайрона ҳолича турган эмиш. Айтишича, моддий ва маънавий зарарни қоплаш тўғрисидаги даъвосини ҳеч бир идора қаноатлантирмаётган экан. Оқибатда қўшниси унинг устидан қулиб юргани боис маҳаллада бош қўтаролмай қолганмиш...

Биламизки, халқимиз азалдан қўни-қўшничиликни қадрлаб келади. Яхши-ёмон, тўй-маърака кунларида қўшнилар билан баҳамжиҳат иш қўрган элимиз қўшничилик одоби ва одатларига қаттиқ риоя қилгани сабабли, “Ўзқондаги қариндошдан ақиндаги қўшни афзал”, “Уй олма, қўшни ол”, деган ҳикमतлар пайдо бўлган бўлса, ажабмас.

Йиллар давомида бир маҳаллада ёнма-ён, бир-бирига елкадош бўлиб яшаган ва қадрдонларга айланиб кетганлар кўп. Айниқса, шундайларнинг бирортаси бошқа жойга қўчиб кетган тақдирда ҳам бир-бирини йўқлаб, эзгу ришталарининг узилиб кетмаслигига ҳаракат қилишади. Шундай паллаларда қўшничилигимиз бор бўлсин, дегинг келади. Афсуски, асрлар оша сайқалланиб, сақланиб келган, анъанага айланган қўшничилик муносабатлари бугун пугур етаётгандек, назаримда.

Қўридаги бир мисол тариқасида айтсак, кимдир бугун бор бўлса, эртага йўқ. Аммо бир-бирини қўролмай, чиқишолмай юрган қўшнилар арзимас сабаб билан ёққан адоват олови эртага янада катталашиб, нафақат фарзандлари, балки набираларини ҳам ўз домига тортиши ҳақида ўйлаб қўрганмикан? Бундай адоватлар туфайли қўшнлар ўртасида фожиалар юз берганига кўп гувоҳ бўлганмиз. “Пул кетса-кетсин, обрў кетмасин” қабилида иш тутиб, бир-бирининг қадамини пойлаб юрганлар ҳам орамизда талайгина. Шундай вақтда ота-боболаримизнинг “Қўшничилик – мингйилчилик”, деган ҳикмати сўзлари устида чуқурроқ мушоҳада юритсак, қўшничиликдек олий қадриятнинг қадрига етган бўлармидик, балки.

Бир пайтлар қишлоқ хонадонларининг асосий дарвозасидан ташқари икки ҳовлини боғлаб турувчи деворга даричалар ўрнатиларди. Шу даричалар орқали эндигина тандирдан узилган икки дона иссиқ нон ёки ёш болалари бўлса, бир коса сут билан, қўйингки, тайёрлаган бирор егулигидан илиниб, бир-бирларидан ҳол-аҳвол сўраб туришарди.

Болалигимда шундай даричанинг “эзгу хислатлари”га кўп гувоҳ бўлганман. Бир куни кечга яқин ўроғимникида ўтирган эдик. Қутилмаганда меҳмон келиб қолди. Уй бекаси ташвишга тушган ҳолда дўстимнинг отасини имлаб, қулоғига шивирлади. Сездимки, уйда дастурхонга тортишга нимадир етишмасди. Меҳмонлар мезбонлар билан уй ичкарасида ҳол-аҳвол сўрашиб ўтирган вақтда ҳовли деворидидаги даричадан уч-тўрт қўшни аёл бўй қўрсатди. Чақириб, паст овозда манавиларни ичкарига киргизиб беринг, дея қўлимизга иккита тугунча, каттароқ тоғорада тафти қўтарилиб турган таом ва битта тарвуз тутқазшиди. Ўзлари эса шовшанча чиқиб кетишди. Бу билан улар меҳмонлар у ёқда турсин, қўшнисига ҳам билдирмай, дўстим оиласининг борини ошириб, йўғини яширишган эди.

Бозорда икки жувонининг суҳбатини беҳосдан эшитиб қолдим. Қаршимиздаги қўшни қўчиб кетибди, бунни орадан роса уч ой ўтиб, кейин билибман, деди. Ўйланиб қоласан киши. Наҳотки, қўшничилик ришталари орамиздан қўтарилиб бормоқда? Ёки бу қадриятнинг мазмун-моҳияти, эзгу амаллари ҳақида аҳоли, айниқса, ёшлар орасида етарлича тарғиб қилинмаяптими?

Шу каби воқеалар сабаб айни дамда унутиб борилаётган мўъжазгина даричаларни инсонийлик, меҳр-оқибат ришталарини боғлаб турувчи туйнукка қийслагим келаверади. Ва бир савол миямда айланаверади: БИЗНИ ТАШЛАБ ҚАЕРГА КЕТАЯПСАН, ОҚИБАТ?!

Қалбларни
титратган
лаҳза

ТАРИХНИ ҒОЛИБЛАР
ЭМАС,

БОЛАЛАР ЁЗАДИ!

Муҳиддин ОМАД,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси

Америка қитъаси...
Яшил майдон узра йигирма икки инсон югурмоқда.
Улар бир тўп ортидан қувмоқда.
Бир қараганда, бу оддий спорт, оддий мусобақа, оддий рақобатдек туюлади.
Лекин майдонда Ер ҳаракатланмоқда.
Чунки футбол тўпи тасодифан думалоқ эмас.
У Ер шарига ўхшайди.
Гўёки инсоният ўз сайёрасини майдон узра у ёқдан бу ёққа тепиб, ўз тақдирини ўйнаб кўраётгандек.
Бу тўп ортидан югураётганлар фақат футболчилар эмас – улар миллатлар, улар тарихлар!
Ўзбекистон ва Колумбия юзма-юз келди.
Икки давлат.
Икки маданият.
Икки орзу.
Икки умид.
Лекин битта инсоният.
Майдонда рақобат бор эди.
Қатъият бор эди.
Жасорат бор эди.
Ҳар икки томон ғалабани истарди.
Бу табиий.
Чунки инсон орзу қилмас экан, инсон бўлолмайди.
Аммо ҳаётда шундай лаҳзалар бўладикки, улар ҳар қандай ғалабадан ҳам юксакда туради.
Майдонда ана шундай лаҳза туғилди.
Ўйин якунланди.
Ҳисоб таблосида рақамлар пайдо бўлди.
Ғолиб маълум бўлди.
Мағлуб ҳам.
Лекин айнан шу онда Жаҳон чемпионатининг ҳақиқий тарихи бошланди.
Трибуналардан бирида бир болакай турибди.
Унинг қўлида бир кубок.
Аммо бу олтин кубок эмас.
Бу футбол кубоги ҳам эмас.
Бу Ер шари тасвири туширилган рамзий кубок.
Гўёки бутун дунё унинг жажжи қўлчларига топширилгандек.
Гўёки инсоният ўз келажагини бир болакайнинг қўнига солиб қўйгандек.
Унинг кўзларидан ёш оқмоқда.

Йўқ!
Бу оддий йиги эмас.
Бу мағлубият йигиси ҳам эмас.
Агар бу мағлубият йигиси бўлганида, эртага унутилиб кетарди.
Бу кўз ёшлар бошқа маънога эга.
Бу ёшларда Ватан бор.
Бу ёшларда муҳаббат бор.
Бу ёшларда миллатнинг шаъни бор.
Бу ёшларда минглаб километр узоқликдан келиб, ўз байрогини дунё сахнасида кўриш орзуси бор.
Бу ёшларда Ўзбекистон бор.
Ёмғирли кунда уни маҳкам ушлаб туриш – муҳаббат.
Ғалаба куни Ватанни севиш осон.
Мағлубият куни уни юрагингга бошиш эса – буюк ватанпарварлик.
Бу кўз ёшлар мағлубият рамзи эмас.
Бу муҳаббат рамзи.
Бу садоқат рамзи.
Бу миллатнинг қалб рамзи.
Ушбу лаҳзада кутилмаган воқеа содир бўлди – Колумбия мухлислари болакай томон юзландилар.
Уни юлатдилар.
Қўллаб-қувватладилар.
Бошини силадилар.
Сўнг бутун стадион бўйлаб:
"Ўзбекистон!"
"Ўзбекистон!"
"Ўзбекистон!"
хайжириги янгради...
Шу лаҳзада футбол тўхтади.
Рақобат тўхтади.
Ҳисоб тўхтади.
Фақат инсон қолди.
Инсон...
Минг йиллардан бери ўзини турли номлар билан атаб келаётган инсон.
Ўзини миллатларга бўлиб ташлаган инсон.
Чегаралар чизган инсон.
Бироқ юраги ҳамон бир хил урадиган инсон.
Уша лаҳзада дунё аҳли ўзини ўзбек боласининг кўз ёшларида кўрди.
Уша лаҳзада инсоният ойнага қаради.
Ва кўз ёшнинг миллати бўлмаслигини англади.

Шу лаҳзада яна бир инсонни эсладим.
Минг йиллар аввал яшаган даҳо бобом Ёдимга тушди.
Унинг номи Беруний эди.
У океанлар ортидаги ерлар ҳақида ўйлаган эди.
У дунё яхлит эканини ҳис қилган эди.
У инсон тафаккурининг чегараси йўқлигини аңлатган эди.
...Минг йиллар ўтди.
Ва бугун Беруний авлодларидан бири яна бир кашфиёт қилди.
Бу сафар янги қитъа кашф этилмади.
Бу сафар янги инсоният кашф этилди.
Кўз ёшларини тия олмаётган ўзбек болакайи дунёга юзланиб:
"Сизлар ҳали ҳам бир-бирингизни тушуна оласизлар.
Сизлар ҳали ҳам бир-бирингизни яхши кўра оласизлар.
Сизлар ҳали ҳам бир оиланинг фарзандларисизлар", дея олди.
Бу гапларни у сўзи билан айтмади.
Унинг кўз ёшлари айтди.

Бир томчи кўз ёш мингта нутқдан кучли эканини исботлади.
Мингта сиёсий баёнотдан таъсирли бўлди, бу кўз ёшлар.
Мингта конференциядан ҳаққоний бўлди, кўз ёшлар.
Бугун Жаҳон чемпионатида голлар урилмоқда.
Кутилмаган натижалар қайд этилмоқда.
Рекордлар янгиланмоқда.
Лекин... чемпионатнинг ҳақиқий рамзи кубокни кўтарган футболчилар эмас.
Чемпионатнинг ҳақиқий рамзи – қўлида Ер шари тасвири туширилган кубокни маҳкам тутган, кўзларида Ватан муҳаббати, юрагида инсоният меҳри яшаган ўша ўзбек болакайи бўлди.
Чунки у трибунадан бутун дунёга унутилган ҳақиқатни эслатди.
Ер битта.
Осмон битта.
Инсоният битта.
Оғриқлар битта.
Орзулар битта!
Қувончлар ҳам, келажақ ҳам битта!
Шундай экан, нега урушлар?
Нега нафрат?
Нега қон?
Нега бир она бошқа онанинг фарзандини душман, деб билиши керак?
Ахир бугун Колумбиялик инсон ўзбек боласининг кўз ёшини арта олди-ку.
Демак, инсоният қалби ҳали ўлмаган.
Демак, меҳр ҳали тирик.
Демак, умид ҳали бор.
Истагим шу – бу чемпионат тарихда энг кўп гол урилган чемпионат сифатида эмас, энг кўп меҳр кўрсатилган, инсоният бирлашган, урушлар тўхтатилган чемпионат сифатида қолсин.
Энг кўп биродарлик намоён бўлган чемпионат сифатида қолсин.
Энг кўп одамлилик ғалаба қозонган чемпионат сифатида қолсин.
...Ва йиллар ўтиб, инсонлар бу чемпионат ҳақида гапирганда, ҳисобларни эмас, ўша болакайни эсласинлар.
Чунки тарихни ғолиблар эмас, юраги тоза одамлар ёзади.
Инсониятни сиёсатчилар эмас, болалар кутқаради.
Бир болакай кўзларидан оққан томчи кўз ёш бугунги даврнинг маъносига айланди.
Бугун шундай бўлди.
Бугун Жаҳон чемпионати ўз рамзини топди.
Бу рамз – ўзбек боласи қўлида Ер шари акс этган кубок.
Бу рамз – ўзбек боласи кўзларида акс этган Ватан муҳаббати.
Бу рамз – миллатлардан баланд турган одамлилик.
Бу рамз – ўзбек болакайи!
Чемпионат ниҳоялагач, олтин кубок кимнинг қўлида қолишини вақт ҳал қилади.
Аммо инсоният қалбидagi энг буюк кубок аллақачон ўз соҳибини топиб бўлди.
У бугун трибунада турибди – қўлида Ер шари, кўзларида ёш, юрагида Ватан...
Ва ортида – болакайни аңлаган, бирдамлик истаган бутун инсоният...
Бу рамз – Ўзбекистоннинг тинчликка чорловчи овози.
Бу рамз – халқлар ўртасидаги меҳр қўприги.
Бу рамз – жажжи болакай қалби орқали бутун инсониятга йўлланган даъват:
"Келинлар, бир-биримизни тушунайлик!
Келинлар, бир-биримизни асрайлик!
Келинлар, Ер шарини рақобат майдонига эмас, умумий уйимизга айлантирайлик!
Болакай қўлидаги кубок аслида ғалаба рамзи эмас, у инсоният тақдири рамзи.
Ва у тақдирнинг энг гўзал номи – тинчликдир.

Сўнгги ўйин, сўнгги ИМКОНИЯТ...



Биламиз, футбол – миллионларни бирлаштирадиган ўйин. Айниқса, Жаҳон чемпионатидаги ўйинлар ҳар бир инсонни қизиқтирадиган "кураш". Ўзбекистон миллий терма жамоасининг Мундиалдаги учрашувлари халқимиз орасида футболга бўлган қизиқишини янада оширди.
Тўғри, Португалия билан ўтган тўқнашувда терма жамоамиз ютқазди, аммо турнирдаги фаворит жамоага муносиб рақиб бўла олди. Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийи Фабио Каннаваро айнаи шу ўйин ҳақида ўз фикрларини билдирди.
Мураббий Жаҳон чемпионатидаги илк иштирок осон бўлмаслигига алоҳида тўхталди. Қуръа натижаларига кўра, Колумбия ва Португалия жамоаларининг бир гуруҳда экани олдинда мураккаб ўйинлар кутаётганини аңлатарди. У мағлубиятдан кейин ҳам миллий терма жамоамиз билан фахрланишини таъкидлади.
Миллий терма жамоамизнинг навбатдаги учрашуви Конго билан ўтказилади. Сўнгги ўйин биз учун энг муҳим бўлади. Йигитлардан ғалабани кутиб қоламиз.

ADOLAT

Муассис: “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши

QR коди орқали газетанинг электрон вариантини юклаб олинг!

Робохон МАХМУДОВА
Бахром АБДУХАЛИМОВ
Наримон УМАРОВ
Муҳаммад АЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА

Қодир ЖўРАЕВ
Озода ПАРПИБОЕВА
Тошпўлат МАТИБАЕВ
Абдуқамол РАХМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ

Котибият – 71 288-42-14 (144); 95 096-07-75
Қабулхона – 71 288-42-12 (141)

НАШР
Кўрсаткичи: 100

Газета 1995 йил 22 февралдан чинка бошлаган

Навбатчи муҳаррир – Абдуқамол Йўлдошев
Масъул котиб – Абдугани Содиков

ISSN 2091-5217

Тахририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани “Шарк тонги” кўчаси, 23-уй.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Бюртма Г – 601

Адади – 4 020
Босишга топширилган вақти – 21.00
Босишга топширилди – 21.10
Баҳоси келишилган нархда

Тахририятга келган қўлзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

“Шарқ” НМАК босмахонасида чоп этилди.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.